



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 4 август сешанба

Сотувда эркин нархда № 154 (1935)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

НАМАНГАН ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Маълумки, яқинда республика Вазирлар Маҳкамасининг "1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жаддаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Наманганда ана шу қарорнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда республика вазирлиқ, қўмита, компания, корпорация, уюшма ва ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашди. Йиғилишнинг вилоят ҳокими Т. Жабборов олиб борди.

Бозорнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган мажбурий ҳужжат бозор ислохотларини амалга ошириш ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жаддаллаштириш асосида Наманган вилоятининг табиий ва иқтисодий салоҳиятини фойдаланиш самардорлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва моддий фаровонлигини яхшилашга қаратилган.

Мушкет пайлар ва оила пудратини жорий этиш асосида жамоа ҳўжалиқларини ширкат ҳўжалиқларига айлантириш, қишлоқ ҳўжалиқига банд бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини бўшатил, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини кўпайтириш, меҳнатга яроқли аҳолини, энг аввало, ёшларни иш билан тўлиқ таъминлаш учун шарт-шароит яратиш, қишлоқ ва урта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш, ижтимоий инфратузилмани жаддал ривожлантириш, ёшлар ўртасида таълим-тарбиявий, маданий-маърифий ишларни ташкил этишни яхшилаш қарорда белгиланган асосий вазифалардир. Жумладан, тасдиқланган дастурга мувофиқ, вилоятдаги жамоа ҳўжалиқлари негизда 152 та ширкат ҳўжалиғи тузилади, 3800 гектар ерни ер ўзлаштирилади, 7200 гектар суғориладиган ер реконструкция қилинади. Янги ерларни ўзлаштириш эъзига 3600 та деҳқон ҳўжалиғи, 45 та фермер ҳўжалиғи, мавжуд ерлардан унумли фойдаланиш ҳисобига қариб 13 минг деҳқон ҳўжалиғи, 745 та фермер ҳўжалиғи ташкил этилади.

Шунингдек, дастурда Тошкент — Уш автомобиль йўлининг Наманган вилояти ҳудуди-

дан ўтган қисмида инфратузилмани шакллантиришга алоҳида аҳамият берилган. Чунинчи, йўл бўйида барпо этиладиган меҳмонхона, кемпинг, тиббиёт ва савдо муассасалари, автомобильларга техник хизмат кўрсатиш шохбачалари унинг жаҳон андозлари даражасидаги муҳим коммуникация тармоғига айланишини таъминлайди.


Вилоятнинг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида уч йил давомида 1 миллион 600 минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилади, 23 мингдан зиёд ўқувчиға мўжлавланган мактаблар бунёд этилади, академик лицейлар, коллежлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт иншоотлари, маҳаллий хизмат кўрсатиш муассасалари очилади. Деярли 1700 километрик газ ва 500 километрик ичимлик сув қувурлари тортилади.

Қўн тартибидан масала юзасидан меҳнат вазир О. Обидов, Давлат мулки қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А. Абдуқодиров, коммунал хизмат кўрсатиш вазир В. Михайлов, "Ўзбекистонга" компанияси раиси М. Нисомов, "Ўзбекистонга" компанияси раиси Б. Носиров, "Ўзбекистонга" уюшмаси раиси Н.Юсупбеков ва вилоятдан бу ишга муассасалар илораларининг раҳбарлари ахборот бердилар.

Вилоят меҳнаткашлари номидан йиғилиш қатнашчилари бундай катта гомўхлиқ учун Президент Ислам Каримовга миннатдорлик мурожаати қабул қилдилар.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов иштирок этди.

Бэхзод УСМОН,
ЎЗА мухбири.



Асака туманидаги Бобур номи жамоа ҳўжалиғи пахтакорлари чигит экишни 31 мартда тугаллаган эдилар. Бугун ана шу майдонларда пахта очила бошлади.

Ҳўжаликка ишбилармон, деҳқончилик илмининг устаси, вилоят кенгаши депутати Абдуманнон Парпиев раислик қилади. Тадбиркорлик туфайли жамоа ҳўжалиғи деҳқонлари бу йил бугдойдан ҳам мўла ҳосил олдилар: ҳосилдорлик гектар бошига 85,7 центнерга етди. Салоҳиддин Мамазулов бошчилиғидаги 24-бригада, Обиджон Мамажонов бошчи 9-бригада галлакорлари 90 центнердан, Муродил Суломонов бошчилиғидаги бригада галлакорлари эса 89 центнердан хирмон кўтардилар. Бугдойдан бўшаган майдоннинг 45 гектарига соя экилади. Қолган майдонларда эса макка, сабзавот ва бошқа озуқабоп экинлар парвариш қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: 17-бригада бошлиғи Кимсаной Маъмирова; далада пахта очилди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ҚИШ ГАМИНИ ЁЗДА ЕЯЁТГАНЛАР

Муборак гази қайта ишлаш заводида қишга тайёрларлик қилин бора-япти. Айни пайтда мавжуд 18 та гази қайта ишлаш қурилмасидан 9 таси, 1 та ҳаво хайдаш, 2 та аммиак қурилиш қурилмаси, 2 та газ конденсатини хайдаш блоқи тазмирдан чиқарилади. Қиш мавсумида ана шу қурилмалар ёрдамида кунига 78-80 миллион куб метр газ тозаланиб, аҳоли ва истеъмолчи корхоналарга юна-тилади.



1. Мустақиллиқни Сиз қандай тушунасиз?
2. Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?
3. Ўзингиз яшаётган жойда қандай ўзгаришлар содир бўлди?
4. Мустақиллиқни мустақамлаш йўлида қўшаётган улуш-гиздан қўнглингиз тўладими?

ИСТИҚЛОЛ МОҲИЯТИ

1. Мамлакатимиз эркинлик ва озодликка эришгач, халқимизнинг жуда кўп орзулари ушалди. Ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилди. Менинг бу гапим янгиллик бўлмаса-да, айтигин, бугун Ўзбекистонда ҳақиқатда қўн гапириш мумкин. Бироқ бу тушунчани англаш бошқа гап. Ортимизнинг мустақиллиғи ҳақида ҳам энг аjoyиб фикрларни баён қилишга ҳаракат қилган-ман-у, бироқ юрагимдаги ўша яхши гапни тилга қўчириш қийин кечаяпти. Мустақиллик дунёга ойдин йўللار очди. Истиқлол ўз ўрнида халққа, Ватанга, барча соҳаларга эркинлик берганлиғи билан ҳам қадридир. Унинг тарихийлиги шундан деб биламан. Илгари ўзбек халқи ҳақида бошқа мамлакатлар халқлари унчалик қуқур тасаввурга эга эмас эди. Энг ёмон томони қудратли, қучли халқ бўлсанг-у, бошқалар билишмаса. Очиги, шундай кезлари юрагим ачишар эди. Бугун мутлақо бошқача, истиқлолга эришганимиздан бундан биз жаҳоннинг катта мамлакатларига катта бир давлат сифатида кириб бордик. Катта бир халқ сифатида кириб бордик. Келажаги буюк давлат сифа-

ЖАҲОН БИЛАН ТАНИШДИК, ДУНЁДА ОБРЎ ТОПДИК

Зухра ШОРАҲМЕТОВА, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси борт инструктори:

тида уларнинг кўз ўнгидан намён бўлди. Энди бизнинг самолётларимиз дунёнинг нуфузли аэропортларида ривожланган мамлакатлар самолётлари қаторида туради. Дунё биз билан қизиқаяпти. Ва бизнинг дунёга бўлган қизиқишларимиз ҳам ўз ўрнида амалий жиҳатдан намён бўлмоқда. Истиқлолни мен дунё билан танишиш, дунёга йўл олиш, дунёда обрў топиш, халқимизнинг ўзининг бутун инсониятга қўрсатиб қўйиш, деб тушунам.

2. Авиакомпаниямизда шу қисқа давр ичида содир бўлган ўзгаришлар авваллари бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган эди. Биз юртимизнинг нималарга қодирлигини шу давр мобайнида англаб олдик. Шу пайтгача қилинган ишларни бизга таъаллуқли бўлган соҳаларга янгилар мисолида айтсак, эртага янада ривож топишига ҳеч шубҳа йўқ. Бугун Ўзбекистон ҳаво кемалари жаҳоннинг мана-ман деган давлатига учиб боришини кеча ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса, эртага содир бўладиган аjoyиб янгиларни ҳам бугун тасаввурга сиқидириш қийин-да. Ҳар ҳолда эртага тагинам яхши кунлар келишини ҳис қиламан. Бир гап билан айтганда, бу фақат мустақиллик туфайлидир.

3. Хорижий давлатларга 20 дан ортиқ йўналиш бўй-

ча янги рейслар очилди. Улар ўша давлатларга Ўзбекистон номини олиб учадилар. А-310, «Боинг -767» русумдаги самолётлар бизнинг осмонимизда учиб, хориж ва республикамиз ораллиғидати масофани қисқартирмоқда. Маҳаллий йўналиш бўйича эса РЖ-85 русумли самолёт парвоз қилаяпти. Буларнинг бари ўзи бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбариятининг жами соҳаларда тараққиётга эришиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракат мевасидир бу. Яқин кунларда Болгариянинг Варна, Япониянинг Токио шаҳарлари йўналишини бўйича самолётларимиз парвоз қиладилар, яъни шу шаҳарларга янги рейс қўйилади. Бу жараён вақт ўтган сайин янада ривожланиб, пойтахтимиз аэропорти жаҳоннинг барча мамлакатларидан учаётган самолётларни қабул қилиш имконига эга эканлигини кўрсатиб турибди. Демак, мен ўзим гувоҳ бўлиб турган воқеалар шубҳасиз истиқлолимизнинг ҳалқимизга яратиб берган кенг имкониятларидир. Қувончлиси, шу ўзгаришларнинг барчасини ўзим қўриб турибман.

4.1995 йилнинг май ойида Тошкент аэропортидан биринчи марта Америкага парвоз қилдик. Ўшанда ҳаво кемамизни тайёрағида қўрган хорижликлар бизга турли хил саволлар беришди.

«Халқ сўзи» мухбири Қўчқор НОҲОБИЛ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги "Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги УП — 1919-сонли Фармониға қўшимчалар киритиш тўғрисида

Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини технология жиҳатдан рағбатлантириш мақсулоти ишлаб чиқаришга йўналтириш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 январдаги УП — 1919-сонли Фармони қондалари қуйидаги банд билан тўлдирилсин:

"Янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларға мувофиқ, республика ҳудудиға келтириладиган технология усқуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиқловчи ҳужжати бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин".

2. Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари бўйича департаменти Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиғи, Молия вазирлиғи, Таъшиқ иқтисодий алоқалар вазирлиғи, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ваколатли банклар билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида тасдиқланган инвестиция лойиҳаларига мувофиқ, импорт қилинадиган технология усқуналарини қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 август

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

ЭРК

ШУНДАН

Бу ўша...
Қодирли интизор кутган.
Уни деб
Усмонлар неча қон ютган.

Бу ўша...
Юракни орзиқтирган бахт.
Бу ўша...
Темурни юксалтирган тахт.

Бу ўша...
Широқни чорлаган жангга.
Ботирлар қўлида ёнган аланга.

Бу ўша...
Бобурни

Йиғлаган соғинч.
Бу ўша...
Егилни айлаган нотинч.


Бу ўша...
Бухорий улағайган тупроқ.
Бу ўша...
Орзулар гуллаган қирғоқ.

Тумарис онадан
Мерос туғғу бу.
Бу шундай муқаддас,
Бу шундай ману.

Бу ўша... юз йиллар
Кутган ош уни,
Ману саодатим,
Шавақату шоним.

Абдурахмон
ЖўРА.

ЮРТИМИЗНИНГ БИР КУНИ



«КИЗИЛ ТОНГ» СОВФАСИ

«Кизил тонг» ҳиссдорлик жамияти чеварлари мактаб ўқувчилари учун формалар тайёрлашга киришдилар. Айни кунларда бошланғич синф болаларини хурсанд қилиш ниятида уларбўл кўрткалар тикишяпти.

АВТОБУС ҲАМ БЎЛАДИ

Қурилиш-монтаж ишлари жадвал бораётган «Самкочавто» ўзбек-турк қўшма корхонасига жиҳозлар ортилган навабдаги автокароп етиб келди. Жиҳозларни ўрнатилган хорижий мутахассислар ҳам иштирок этишяпти. Корхона битса, у йилга тўрт мингта кичик ҳажмли автобус ишлаб чиқаради. 500 нафардан зиёд фуқаролар иш билан таъминланади.

ИККИ БАРАВАР КЎП

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ярим йилликда режадагига нисбатан салкам икки баравар кўп — 3,5 минг тонна урнига 6,149 тонна сунъий нитрон толаси тайёрлашди. Хорижда ушбу мақсулота эҳтиёж катта бўлганлиғи боис мақсулот омонбонда туриб қолмапти.

Ўз мухбиримиз.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ ХОРИЖ САРМОЯСИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимизда кечяётган демократик жараёнлар ва ислохотларни чуқурлаштиришга, халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган бир неча муҳим қонунлар қабул қилинди. Улар орасида "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ҳамда "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ҳам бор. Савдо тўғрисида: хориж сармоялари ва сармоядорлари тўғрисида бундай алоҳида йиғ қонунлар қабул қилинишининг сабаби нимада? Инвестиция ва савдодорлар кафолатларини ҳимоя қилувчи қонун нағарни ҳам бор эди-ку? Яқинда қўсқа қилган бу йиғ қонунлар нағарисидан нимаси билан фарқ қилади? ЎЗА мухбири.

— Носирхон ака, суҳбатимизни мана шу йиғи қонунининг қайтадан қабул қилиниши сабабларидан бошлашасиз. Ўқувчиларда мажбурий неча бунча тез ўзгармоқда, деган савол туғилиши мумкин. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, бундай қонун иллари ҳам бор эди — у даставвал 1992 йил июлда, сўнгра 1994 йил май ойида иккинчи марта қабул қилинган. Янги қонунларнинг ўтмишдошларидан биринчи фарқи шундаки, илгари хориж инвестициялари, сармоядорлар ҳуқуқ ва бурчларини уларга берилган кафолатлар битта қонунда ўз аксини топан бўлса, бу савдар чет эл инвестициялари алоҳида, сармоядорлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш алоҳида қонун билан мустақамланган.

Ўзингизга маълум, мамлакатимиз ҳозир ўттиш даврини бошдан кечираяпти. Қонунларнинг тараққиёт ва за-

мон талаблари тақозоси билан доимий равишда такомиллашиб бориши табиий ҳол. Мажбурий қонунлар халқро ҳуқуқ меъерларини ҳисобга олган ҳолда янада мукаммаллаштирилган. Улар бутунги халқро меъерларга тўла жавоб беради. Мажбурий қонунлар чет эл инвестициясига кириб келишини рағбатлантирибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимида тезроқ қўшилишига, чет эллардаги молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларни, замонавий технологияларни ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этишга яқиндан қўмақлашади.

—Чет эл сармояси ва сармоядорлар тўғрисида алоҳида алоҳида қонун қабул қилинган қандай изоҳланади?

— Татқиқлаш жоизки, аввалги қонунларда ҳам чет эл инвесторларига жуда кўп кафолатлар берилган, уларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинган эди. Мамлакатимиз жаҳонга

тобора кенгроқ танилиб бора-япти. Бугунги кунда юртимизда 80 дан ортиқ мамлакатнинг сармояси иштирокчида қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу жараён кенгайиб бортани сари амалдаги қонунга муайян ўзгаришлар, бизни моддаларга аниқликлар киритиш эҳтиёжи туғилди. Масалан, янги қонунда чет эл инвестициясига тушунган ва уни жалб этиш мақсадида ҳам маълум матиода ўзгарди. Аввалги қонунда "фойда олиш учун" деб ёзилган жумла янгида "ассосан фойда олиш учун" деб ўзгартрилди. Сиртдан қараганда, биргина сўз нимани ўзгарттирди, деган фикр келиши ҳам мумкин. Бироқ тажриба шуни кўрсатдики, нафақат фойда олиш учун, балки олинган фойдани хайрия мақсадида фойдаланмоқчи бўлган қўшма корхоналар ҳам кўп. Эски қонунда бу акс эттирилмаганди. "Ассосан" сўзи эса бу англашловчиликни осонгина ҳал қилди.

(Давоми 2-бетда).

TRANSPORT KOMMUNIKACIYASI:

ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

У мамлакатимизни жаҳонга олиб чиқади

Истиқлолнинг етти йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Бундай пайтда одатда ҳар қандай кишида орқага — босиб ўтилган йўлга назар ташлаш, таҳлил қилиб, муайян ҳулосалар чиқариш ҳоҳиш-истаги пайдо бўлади.

Коммуникация кенг тармоқли соҳа бўлиб, ўз ичига транспорт, алоқа, электрлаштириш каби муҳим тармоқларни олинганда, сисъат-шунчалар уни мамлакатнинг қон томирлари қисб қилишди. Дарҳақиқат, уз, ай-ниқса, бугунги кунда мамлакатнинг истиқболи, келажагини тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боис мамлакатимиз раҳбари Исом Каримов мустақилликка эришилганидан кейин дастлабки йиллардаёқ асосий эътиборни коммуникация масалаларига қаратган. Чунки бу пайтда келиб, собиқ иттифок ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлган ва бу ўз навбатида янги муаммоларни юзага чиқаришга сабаб ҳам бўлган.

Маълумки, мавжуд қонун-қоидаларга мувофиқ, муайян мамлакат ҳудудидан ўтган ҳар қандай нарсани учун унинг эгаси иккинчи мамлакатга бож тўлаши керак. Бу эса, табиийки, хорижда чиқатган қонун ҳақоси тасир ўтказмасдан қолмайди. Ана шундай пайтда ҳар қандай мамлакат энг арзон, қулай ва иқин йўллари излашга мажбур бўлади. Бу, айниқса, мустақилликка эришилганидан кейин долзарб масалалардан бирига айланди.

Иккинчидан, коммуникация масаласи, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу, айниқса, мустақилликка эришилганидан кейин долзарб масалалардан бирига айланди.

Узбекистон сўз йўли — океанга туташиб туриб қифоя эмас эди. У, биринчидан, анчангизлардан анча йироқда жойлашган. Агар сўз йўли энг қулай ва арзон воситаларни назарда тутсак, транспорт комму-никацияси масаласи нима учун мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимиз раҳбарининг диққатини жалб қилган ўз-ўзидан аён бўлади.

Шу боис Ўзбекистон хорижда жондороти қилиш учун муқобил йўл ва йўналишларни излаш бошлаган. Денгизга — сув йўлига чиқиш зарур эди. Буни тасаввур қилиш учун, харижани назар ташлаш керак. Ҳинд океани портлари биз учун энг яқин йўл. Лекин унинг қилиш учун Афғонистон орқали Покистонга ўтиш керак. Афғонистонга эса 20 йилдан буюн уруш кетаяпти. Демак, юкларимизни хавф-хатарсиз ўтиши учун қафолат йўқ. Буни ҳозирча қутиб қолди.

Коммуникация Ўзбекистон ташқи сисъатининг асосий масалаларидан бирига айланиб бораётгани боиси ҳам ана шунда. Ва ўшанда бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Зеро, Ўзбекистоннинг ЭКОга аъзо бўлишидан қўлланган асосий масалалардан бири ҳам комму-никациядир. Бу эса мамла-катимизни Эрон орқали Форс кўрфазига, Покистон орқали

Ҳинд океанига, Туркия орқали Урта ер ва Қора денгизла-рига эркин чиқиш имкония-тини яратди. Айни пайтда ЭКОга аъзо давлатларнинг ав-томобиль йўлларининг узар-туташиб ташминлангани мам-лакатимиз эришган катта му-ваффақиятлардан биридир. Шу ўринда ЭКОга аъзо давлатлар ичида фақат Ўзбекистонга комму-никацияга алоқадор бўлган еттига энг муҳим хал-қаро конвенциянинг олитасига аъзо эканлигини алоҳида таъ-кидлаш керак.

Ўзбекистонни Европа билан боғлайдиган яна бир муҳим йўналиш бор. У Туркменистон, Каспий денгизи, Озарбойжон ва Грузия портлари орқали Евро-па қитъасига чиқишга им-кон яратадиган Транскавказ йўналишидир. Шу ўринда, ай-ниқса, ТРАСЕКА лойиҳаси не-чолик муҳим аҳамиятга эга-лигини нафақат ҳис қилмоқ-да, балки англамоқ керак. Зеро, мамлакатимиз раҳбарининг «Марказий Осиё минтақаси учун Транскавказ йўналиши орқали муҳим ва амалга ошири-ш мумкин бўлган йўл ҳисобла-нади» деганида катта мантқ бор.

Президент Исом Каримов-нинг, айниқса, ота-боболари-миздан мерос қолган ва мус-тақилликнинг дари бизни унд-дан маҳрум қилган «Буюк Ипак йўли»ни қайтадан тиклаш йўлидаги ташаббус ва сый-ҳат қаратилари таъсирга лойиқдир. Мамлакатимиз раҳбари ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг V учрашувида сўзланган нутқда бу ҳақда: «Бугунги кунда ми-н-тақамиз мамлакатларини Хитой

ҳудуди, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Япония билан боғлайдиган магистрал қилиниши ва унинг ишга туширилиши ул-кан аҳамият касб этади», де-ган эди. Бу эса мамлакатим-изни Уш, Иркиштом, Қаш-ғар орқали Хитой порт-ларига чиқиш имконини бе-ради.

Мамлакатимиз раҳбари-нинг яқинда бўлган Болга-рияга сафарини транспорт комму-никацияси борасида қўйилган яна бир янги ва му-ҳим қадим сифатида баҳола-моқ лозим. Бу мамлакатимиз-нинг Европага чиқиши Болга-рияга порти ва паромларидан фойдаланишга кенг йўл оч-ди. Демак, «Евроосиё йўли-га» чиндан ҳам ҳаётлоқ эмас, балки амалий фаолиятга ай-ланмоқда. Биз агар Қора де-н-гиз бўйидаги давлатлар сый-ҳатини билан тузилган Қора де-н-гиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига айна пайтда Болгариянинг раислик қилаётганини инобатга оласак, мамлакатимиз раҳбарининг бу сафари нақадар аҳамиятга эгаллигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Булар, табиийки, эртага ўзининг тулиқ самарасини бера бошлайди. Мамлакатимизнинг жаҳон бозорига чи-қиши учун бир эмас, қўшлай янги, арзон, яқин ва қулай йўллар пайдо бўлмоқда. Бу Ўзбекистонни, аввало, ком-муникация соҳасидаги тобе-лидан халос қилади. Мам-лакатимиз учун муқобил йўллари ташлаш имконияти пайдо бўлади. Зеро, унинг сиёсий аҳамиятга эгаллиги арзон асосий боиси ҳам ана шунда. Иккинчидан, жаҳон интеграциясига янада яқин-лашиб кетди, қўшилишимиз учун қўшимча воситалар яра-тилади. Бу йўллар Ўзбекис-тонни ҳар ёқдан жаҳонга олиб чиқади, катта дунё билан ту-таштилади. Ана шунда биз-ни ҳам жаҳон яқиндан та-нийдик ва бизга интилади. Энг муҳими, мамлакатимиз ана шу йўллар орқали келажақда «озод ва обод Ватан»га айла-нади.

Исмаил ХУДОЁРОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ака-демиясида Маънавий-маърифий ва тарғибот ишларини ўр-гануви «Мулоқот» жамоатчи-лик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳма-сининг «Маънавий-маъри-фий ишларини янада тус-қулаштириш ва унинг самар-дорлигини ошириш чора-табирлари тўғрисида»ги қаро-ри ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Мажлиси Президентнинг Дав-лат маслаҳатчиси Н.Жўраев олиб борди.

«Мулоқот» жамоатчилиги кенгашининг йиғилиши

Қурилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши ака-демияси проректори, «Муло-қот» жамоатчилиги кенгаши-нинг раиси Н.Комил, Ўзе-бекистон Ёзувчилар уюмаси раиси А.Орипов, республика «Маънавий ва маърифат» жа-моатчилик маркази раҳбари Н.Аминов, «Миллий тикла-ниш» газетаси бош муҳарри-ри И.Гафуров, адиблар А.Азизов, Х.Даврон, Х.Дустму-хаммад ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Мустақиллик мафкураси, Президентимиз ва ҳукумати-миз томонидан қабул қили-наётган Фармон ва қарорлар ҳар бир ҳонадонга етиб бо-риши шарт. Бунда телевиде-ние, радио, газета ва журнал-лар асосий ролини бажариши, тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайлаштириши керак. Йи-ғилишда оммавий ахборот вос-италарининг бу борадаги иш-лари бугунги кунда ҳамон та-лабларга жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилди. Эндиликда журналистлар ҳар қачонгидан ҳам фойда бўлишлари лозим.

Мажлисда маънавий-маъри-фий ва тарғибот ишларини ўр-гануви «Мулоқот» жамо-атчилиги кенгашининг иш да-стурини тасдиқлашда ҳамда кел-гуси вазифалари белгиланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Д.Ғуломов сўзга чиқди.

(ЎЗА)

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ХОРИЖ САРМОЯСИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, янги қонун-да инвесторлар тўғрисида ҳам кенгайтирилди. Унга хорижий мамлакатларнинг маъмурий ва ҳудудий органлари ҳам кири-тиди. Масалан, Россияни ол-сак, унинг маъмурий-ҳудудий органлари бошқа жойларда юридик шахс ҳисобланади. Янги улар бошқа мамлакатларда кор-хона очиб ҳуқуқига эга. Айрим мамлакатларда юридик шахс бўлмаган ташкилотлар ҳам бор-ки, улар юридик шахс бўлма-са-да, хорижда корхона очаве-риши мумкин. Аввалги қонунда мана шу жиҳатлар келтирил-ган эди. Яқинда қўлга кирган янги қонунга биноан, юқоридаги каби ташкилотлар мамлакатим-изга сармоя кириши ҳуқуқига эга бўлиди. Бундай мисолларни қўшлай келтириш мумкин.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунда «Кон-цессия шартномалари» деган ало-ҳида модда ҳам бор. Мана шун-га қисқача изоҳ берсангиз...

Унда хорижий сармоядор-лар мамлакатимиз ҳудудига табиий ресурсларини қидириш, қазиб олиш ва улардан фойда-ланиш ҳамда бошқа ҳужайма фаолиятини юритиш учун кон-цессиялар бериш қўлга тутилади. Бу Ўзбекистон Республика-си давлат бошқарувиининг вако-латли органлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади. Солда қилиб ай-тганда, фалон жойда нефть бор-ки йўқлигини текшириш, амал-да қонун доирасида ўша бой-ликдан фойдаланиш концессия, дейилади. Булар ҳам янги қонунда ошқинлаштирилган.

Қўлга кирган янги қону-нда чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг муҳофазаси ва ка-фолатлари борасида қандай ўзгаришлар бор?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Чет эллик инвестор-лар ҳуқуқларининг кафолатла-ри ва уларни ҳимоя қилиш чо-ралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни хорижий сармоядорлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларнинг ҳимоя-си бўйича комплекс чораларни шакллантиришни қўзда тутган. Қонунда чет эллик инвестор-лар ва чет эл инвестициялари-нинг айрим тоифалари учун қўшимча кафолатлар бериш шарт-шароитлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари белги-лаб берилган. Унда мамлакатим-из ҳудудига инвестиция фао-лиятини амалга оширувчи чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини давлатнинг ўзи ка-фолатлаши ва ҳимоя қилиши муҳрлаб қўйилган.

Узгартилар масаласига кел-сак, илгарти қонунда «Давлат ҳимоя қилиш» деган жумла бор эди. Янги қонунда бу меъ-ёр ҳам оидинлаштирилди. Янги хо-

риж сармоядорини ким қафолат-лаши, у кимга мувожабат қилиши кераклиги энди аниқ бўлди. Ав-валги қонундаги «Давлат ҳуқу-қи ҳимояси» жумласи барча давлат органларини ҳам қамраб кетар эди. Бунинг оқибатида муайян ан-тиципация ва овозгарчилик-лар келиб чиқарди. Яшириш-нинг ҳоқати йўқ, айрим сармоя-дорларнинг идора-идора юриб сарсон бўлишига, ҳар қил ариза-бозиларга ўрналашиб қолганига гувоҳ бўлган пайтларимиз бор. Янги қонун бунга чек қўйди.

Дейлик, мен чет эл инвес-ториман. Қўлимда ярим миллион АҚШ долларини миллионда маб-лағини бор ва шу пул билан Ўзбеки-стонда қўнғун фаолият қўрсатмоқ-чиман. Масалан, енгил саноат мо-ляри ишлаб чиқариш нияти бор. Айтин-чи, мен янги қонунга би-ноан қандай имтиёزلардан фойда-ланишим мумкин? Бу ўринда, ас-осан, эски ва янги қонундаги фар-қни назарда туттайман.

Хорижий сармоядорлар-ни қизиқтирадиган асосий маса-лалардан бири инвестиция фао-лиятини ўзи хоҳлаган муддатда тўхтатиш ёки бўлмаса, олган фой-дасини реинвестиция, яъни фой-дани ҳам қайта инвестиция си-ғимига киритиш ҳуқуқига эга бўлишидир.

Дейлик, сиз айтган ўша ярим миллион доллар сармоянгизни киритдингиз ва бир йил ичида 200 миң доллар фойда қўлингиз. Уни олиб чиқиб кетишингиз давлат қафолатлайди. Ми-нол учун, сиз бу ерда шарт-ша-роит яхшиллати, узоқ ердан хо-маше ташиб юриш даҳмазаси йўқлиги-ю ишчи қўшининг арзон-лиги ва бошқа қўлайликлар мав-жудлигини фойдаланиб, ишлаб чиқариш қамровингизни янада кенгайтирмоқчи бўлингиз. Янги реинвестиция қўлмоқчисиз. Мар-ҳамат. Сармоя киритганингизда сизга берилган қафолат ва им-тиёзлар бу ҳолатда ҳам таътиб этилади. Илгари чет эллик сар-моядорларни шу нарсга кўп қизиқ-тирар эди. Бу жуда катта гап. Ушбу жиҳатлар янги қонунда ил-гаригисига нисбатан аниқ-тиниқ ўз-иқдорасини топган.

Яна бир муҳим жиҳат. Дей-лик, чет эллик инвестор муайян қонун амал қилиб турган пайтда сармоя олиб келди ва иш бош-лади. Икки ёки уч йил ўтиб амалдаги қонун ўзгарди. Натижа-да сармоядорнинг маълум бир ҳуқуқи келмайдик қолди. Мана шундай ҳолатда хорижий инвес-тор 10 йил мобайнида ўша ўзи иш бошлаган пайтда амал қи-лган қонун доирасида фаолият қўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Янги ўн йилгача давлат органлари-дан ўзига нисбатан ўша эски қонун қўлланишини талаб қи-лиши мумкин. Мабодо у янги қонунни афзал қўргудек бўлса, марҳамат, бунисига амал қилсин. Қўраётганми, чет эллик сармоя-дор бундай ҳолатда ҳатто қонунни танлаш ҳуқуқи ҳам бе-рилган. Умуман олганда, хориж-

лик сармоядорларга берилган ҳуқуқ ва имтиёзлар борасида яна қўшлай бундай мисолларни келтириш мумкин.

Қўриниб турибдики, янги қонунларнинг қабул қилиниши-га сабаб, асосан, мамлакатимиз-га чет эл сармоси оқимини яна-да қўлайлаштириш, яъни инвести-ция муҳитини ялғиритишдан ҳам ахшиллаш мақсади билан изоҳ-ланади.

Жудаям тўғри. Қарса им-тиёз бўлса, қарса қулай ша-роит, тинчлик, оқсоқиллик, қўнғуний гаров ва қафолат бўлса, хориж сармоси ўша ёққа қараб оқаверади. Сармоя ва сармоядорлар тўғрисида янги қонун қабул қилинишининг яна бир асосий сабабларидан бири юртимизда бошқа мамлакатлар-даги нисбатан инвестиция му-ддатини яхшиллаш мақсади. Ҳеч кимга сир эмас: хозирги пайтда ҳамдастлик таркибидан-даги барча мамлакатлар қайси йўл билан бўлмасин, хориж сар-мосини ўзига жалб қилишга уринаётди. Чунки четдан сар-моя келса, у билан янги техно-логия, янгица ишлаш усули ва интеллектлар мулк ҳам кириб келади. Бу, бир сўз билан ай-тганда, иқтисодий тараққиёт га-рови, деган гап. Шу маънода, Президентимиз юриятдан сар-моявий сисъатнинг жуда тўғри ва оқилона эканлини алоҳида таъкидламоқ керак. Чунки хозирги даврда ҳеч бир ривож-ланишдан давлат учун хориж-дан сармоя жалб қилиш тў-ғри, яъни фақат ўз кучи ва имкониятига таяниб, юксак тараққиёт этган мамлакатлар қаторидан ўрин олишининг им-конияти йўқ.

Хабарингиз бор, Президент-имизнинг Олий Мажлиси ўн би-ринчи сессиясида сўзланган нут-қда хориж сармосининг бу-ғунимиз, келажагимиз учун қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлиги кенг оғиб берил-ди. Мамлакатимиз раҳбари ўз сўзида «Ўзбекистонда биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий, маънавий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асо-сий гарови, асосий шартлири», деб айтганлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, хориж сармоси тўғрисидаги қонунларимиз қай даражада мукаммал бўлмасин, чет эл сармоядорига қанчалик ҳуқуқ ва қафолатлар бермай-лик, уларнинг фаолияти-ю ҳуқуқлари қанчалик сўр муҳо-фаза қилинамиз, юртимизда хозиргидек тинчлик ва барқа-дорлик ҳукм сурмас экан, хо-риж инвестори мамлакатимиз-га келмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз дунёдан энг бой халқларданмиз. Зеро, юртимиз тинч, оқсоқил, фео-доқараримиз аҳил. Бундай мам-лакатда эса унинг-ўсиш, тарақ-қиёт ва барака бўлади.

ЎЗА мухбири
Шухрат УМИРОВ
сўхбатлашди.

Хар бир фуқаро мустақилликни ҳис этиши, эъзоз-лаши, уни мустақамлашга ўз ҳиссасини қўйишида ҳуқуқий мафкуранинг аҳамияти катта. Шу сабабдан мус-тақилликнинг дастлабки йилларидаёқ дунё халқлари эъти-роф этган, ижтимоий турмуш тасдиқлаб берган, БМТ томони-дан 1948 йили Париж конвенцияси, Вена ва Хельсинки актилари демократик талаблар сифатида тан олинган ҳуқуқий нормалар республи-када мустақил амалга оширила бошланди.

ҲУҚУҚИЙ МАФКУРА — ДАВЛАТИМИЗ ТАЯНЧИ

Инсондаги ҳуқуқий онг, мафкуранинг вужудга кели-шида, юртбошимиз Исом Каримов таъкидлаганидек, инсон маънавияти асосий ўрин тутди. Маънавий ин-сон қалбига камол топиши учун эса у ҳуқуқий давлатда яшаётганлигини чуқур ҳис қилиши керак. Ҳуқуқий онг даражасининг ўсиб бориши фуқароларнинг давлатга, ке-лажаққа ишончини мустақ-камлайди. Демак, жамиятда давлат — қонун — фуқаро тенгчилиги вужудга келтирил-ганига ҳуқуқий мафкура ри-вожланади.

Шахсининг ҳуқуқий маф-кураси давлат тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳуқуқий мафкура ёшларни аниқ мақсадни қўзғаб тарбия-лаш натижаси, тарбиянинг юксак қўринишидир. Унинг асосида фуқароларга берилган янгича бурч ва мажбуриятлар, эркинликлар, жамият ва давлат, халқ манфаати ту-шунчаси, Ватан учун ўзини сафбарбар қила олишга ишонч кучи этади.

Ҳуқуқий мафкуранинг вуж-удга келиши ва ривожлани-ши маълум қондалар асосида амалга ошади. У ҳуқуқий нор-маларнинг, давлат сисъатининг натижасидир. Шу са-бабдан ҳам мамлакатимизда мулкчилик шакллариининг мустақамлашгани ва ҳимоя қилинишига имкон яратиб берилганлиги кишилар онги-да ишончнинг вужудга келтири-ди. Демак, фуқаро жамиятта

ишонсагина, шу жамият ри-вожи учун ўзидаги бор куч ва имкониятларини сафарбар эта-ди. Фуқаролик жамиятининг ривожланиш қонунлари ҳамма даврларда ҳам муайян ижти-моий интизомга мутоҳ бўлиб келади. Агар мамлакатда фуқа-ролар учун интизом бир хил бўлмаса, қонунлар қанчалик кўп бўлмасин, ҳуқуқий маф-кура вужудга келмайди. У фу-қароларнинг амалдаги қонун-ларга ва ўларнинг кундалик ҳаёти муносабатларини ифода этади.

Қонунга садоқат ўз халқи ва Ватанига садоқатдан ҳам юқори турдаги ёки қонунга садоқат ўз халқи ва Ватанига бўлган са-доқатни тугдиради, деган қоидага амал қилиш бугунги куннинг талаби, шу билан бир-га, ҳуқуқий мафкурани вужудга келтирадиган омилдир. Биз ҳуқуқий давлат ҳақида гапи-рар эканмиз, «Ҳуқуқий давлат нима? Бундай давлатда қандай қондаларга амал қилиб яшаш керак?» деган саволлар туғила-ди.

Ҳуқуқий давлатда барча фу-қаро, миллат ва элатларнинг, уларнинг дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, инсонпарварлик қондаларига асосланган тенг ҳуқуқчилиги ва эркинликлари таъминланади.

Ҳуқуқий давлат суверен де-мократик давлат бўлиб, у бир-он синф, сиёсий партиялар, табақа ва гуруҳларнинг манфа-атини ҳимоя қилмайди. Унинг

энг муҳим белгиси — жа-миятда қонуннинг устуңли-ги принциpidир, қонун ус-туңлиги деганда республика-мизда конституцион асосда қабул қилинган қонунлар-нинг ҳамма норматив, ҳуқуқий ҳужжатлардан ус-туң турлиги тушунилади. Барча фуқаро, давлат, жамият бир-лашмалари ва бошқа корхона хо-димлари қонунга сўзсиз бўйсунди. Ҳуқуқий давлат-да қонунларни тўғри қўллаш унинг таъсирчанлигини оши-ради. Конституцияимизнинг 56-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат ва жа-мият ишларини бошқариш учун қонуний уюшмаларга, сиёсий партиялар фаолияти-га, қасаба уюшмаларига, олимлар, фахрийлар, хотин-қизлар уюшмаларига кенг йўл берилди. Инсонларнинг асо-сий ҳуқуқ эркинликлари, бурчлари қалқаро ҳуқуқ нор-ма талабларига жавоб бера-ди.

Ҳар қандай демократик давлатнинг асоси мустақам конституцион қонунларга суғунали, унга амал қилади. Биз санаб ўтган ҳуқуқий давлатга хос ушбу сифатлар мустақил давлатимизга ҳам хосдир. Бу сифатлар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан илдам бораётгани-миздан далолат беради.

Ботир ХУДОЁРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
академияси доценти.



СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов голиби, наманганлик авто-грейдерчи Олимжон Зухридинов; кўрик-танлов қатнашчи-лари.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки акбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 4 августдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	61,31	100 Италия лираси	5,76	1 Финляндия маркиси	18,70
1 Австрия шиллинги	8,08	1 Канада доллари	66,73	1 Франция франки	16,96
1 Англия фунт стерлинги	165,82	1 Хитой юани	12,20	1 Швейцария франки	12,73
1 Бельгия франки	27,57	1 Кувейт динари	334,28	1 Швейцария франки	67,80
1 Голландия гульдени	50,41	100 Ливан фунти	6,70	1 ЭКЮ	112,00
1 Греция драхмаси	3,42	1 Малайзия ринггити	24,34	10 Жанубий Корей won	0,81
1 Дания кронаси	14,92	1 Германия маркиси	56,85	1 Япония йенаси	6,98
1 БАА дирхами	27,51	1 Норвегия кронаси	13,39	1 Россия рубли	16,19
1 АҚШ доллари	101,02	1 Польша злотийси	29,43	1 Украина гривнаси	47,51
1 Миср фунти	29,65	10 Португалия эскудоси	5,57	1000 Беларусь рубли	2,41
1 Иранли фунти	142,89	1 Сингапур доллари	58,42	1 Латвия лати	168,77
1 Испания кронаси	1,42	1 С/Р	134,31	1 Литва лити	25,26
10 Испания песети	6,69	1000 Туркия лираси	0,37	1 Молдова лейи	21,24
				1 Қирғизистон сом	5,18

% Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ўз қийматига сотин ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бизнинг бугунимиздан бугуннинг ўзида Олам во-қайи. Бани-башар таассу-ролда. Бирок... мамлакатимиз-нинг бир бўлаги... Сурхон-дарёда ўзгачароқ. Ишон-асизми, шу бугун мамла-катимизда намоён бўлган эгзу ишлар, долларб маса-лалар хабари у ерга вақти-да етиб бормайди. Давр нафаси акс этган матбуот поезддан ҳам, автобусдан ҳам икки-уч кун кечикиб боради. Янада аччиқроқ қилиб гапирсак, вилоятда-ги деярли барча газета дўконларидан асосий рўзномалар, катта нашр-ларни тополмайсиз. Сотил-майди.

Агар сурхондарёлик му-тасалди раҳбар бирдорлар-римизда эътироз туғилса, бир савол берайлик: Сиз раҳбарсиз. Эрталаб ишга келдингиз. Столигиз усти-да қайси напир турибди? У қачон чоп этилган? Қайси газетанинг бугунги сонини бугун ўқийсиз?... «Халқ сўзи» борми? «Правда Вос-ток»-чи?... «Ўзбекистон овози» ёки «Народное сло-во» газетасининг сўнги со-нини қарақлаясизми, ҳозир? Бугунги Фармон ёки Қарор матнини ўқиб чи-қдингизми?

Шунақа гаплар. Ҳар қандай антилик эртага эс-

киради. Бугуннинг хабари бугун билан тирик. Ҳозир ҳам, ўша ердаги ҳаттоки ай-рим раҳбарларнинг ўзлари ҳам биз эгзан ушбу мақола-ни икки-уч кун ўтгач, кечи-каб ўқийётганликларига шубҳа қилишмаймиз.

Гули ЧЕХРА
Ўзи» мухбири

АЛ-ФАРҒОНИЙ (усту-
лабга энгашди):

Бир бўлиб айланар осмон
қисмлари,
Қушилиб айланар ҳамма
жисмлари,
Ердаги қитъалар, барча
бахралар,
Шаҳару қишлоғу тоғу
сахролар
Айланиб турди ўзин
сездирмай!
Сезмасан бунинг илм
бағрига қирмай!
(У яна доира шаклидаги
устулабни ушлайди)
Шу доира ичра асосий
Хисоблашнинг

воситалари,
Мана бу жой
челлари, бари,
Йигирма тўрт бўлакча
тенгдир.
Хар бир бўлак бир хилда
кенгдир.
Доира ичин турддан
уч қисмин
Эгаллаган айлана жисми —
Ичра яна кичик доира,
Қўрсаткичлар шу ерда
турар —
Буллар ҳисоб воситалари!
Ана шулар устулаб

бори!
Бу ютққа осон етдикми,
Не ўйласа тайёр
Эдикми?!
Кечагидай ҳаммаси,
хулди,
Йиллар ўтди, кўп
йиллар ўтди.
(Ал-Фарғоний аста-секин
юрди, саҳна олдига келди)
Юнонлар афирои «сон»
деб уйлаганлар,
Бирлигининг йигирмисин
шундай сўйлаганлар.
Микдор деб англагунча

биз
қанча кўп йўл босдик
Ва охири дунёдаги
юксакликдан боз ўедик!
Тараққиёт жасорат
мевазилар аслида,
Фидоий инсон борки,
жасоратнинг наслидан.
(У томошбонига қиқиллаш-
ди)
Илгарига қадам
ташламаса фан.
Фароғат бағрига
бошламаса фан —

У асло фан эмас,
борлиги хато.
Жонимизга теккан
ахир сафсата!
Ким узлатда яшаб,
тополган
бахтин,
Елғизлик уқлатар
инсоннинг
шаҳдин.
Изланиб яшамок йўли
камолот,
Ҳаётда учрайди шундайин
ҳолат.
Комиллиқни даъво қилса
тар сўзи,
Демак, ўлдирапти

ўзини-ўзи!
Илм-фани бир киши
ярат олмас,
Қўмақчисиз ҳеч донг
тарата олмас!
«Байтул ҳикма» илмларни
солди бутун тартибга,
Энди унинг меваси етади
қўлдан-қўлга!
Билим асли яшамокдир,
билим асли зарурат.
Бунга қарши сўз бўлса,
этакжамиз уни рад!
(Ал-Фарғоний ўйга ботди)

Саҳнанинг ўнг тарафидида «Байтул
ҳикма» биносига чап тарафдан туташ
бўлган қисмда ал-Фарғоний яшайдиган
ва ишлайдиган ёнма-ён икки хона қўри-
ниб турди. Бирини ётар-турар жихозла-
ри, иккинчисинда хар хил ускуналар. Ик-

кала хонанинг олди кенг ховли. Ўртаси-
да янги қурилган устулаб асбоби кўзга
ташланади. Ал-Фарғоний ёлғиз, устулаб-
нинг у ёқ-бу ёғини кузатиб, дафтарига бир
нималарни ёзди.



кайтадан!
(Ал-Фарғоний яна усту-
лабнинг у ёқ-бу ёғини куз-
тади.
Абу Машар Марғилоний
қўлидаги китобга қараб-қараб
қўйди)

Абу Машар
МАРҒИЛОНИЙ:
«Китоби комил дил
Фарғоний фи-
Устулабнинг фанга
тегар кўп нафи!
Юрагинда ишқинг
тулиқ бўлса гар,
Изчил меҳнат қилсанг
тўсиқни енгар!
Меҳнат етиштирар улғ
кишини,
Келажак эъзолар унинг
ишини.
Фидоийлар зарур худди
қўшдай,
Устоз кўзимизни очпти
мошдай.
Бизга ҳаёжону идрок
улашар,
Шундай одамларсиз
яшолмас башар.

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Олимлик — бу
диққинафаслик.
Елғонларни билмаган
роетлик.
Маишатдан бенабас ўтиш,
Дузах ичра кўралиган туш!
(У саҳнани чап тарафи-
га қаради)
Машаққатсиз ўзи яшаб
бўлмайди,
Жоним койимаса
кўнглим тўлмайди.
Ўттанлар меҳнати
вужудимизда,
Келажак авлодга не қолар
биздан!
Энг оғир йўқотиш —
вақтни йўқотиш,
Орзу йўлидаги нақдн
йўқотиш!

(Саҳнанинг ўнг тарафидида
устоз сўзини вужудини қўлқ
қилиб тинглаётган Абу Ма-
шар Марғилоний томошбонига
қаради)
Абу Машар МАРҒИЛО-
НИЙ:
Олдинда кутмаса сени
бирор қувонч,
Яшашнинг қизиги
қолмагани шу.
Умидсизлик эзган ҳар бир
одамининг —
Ҳаётдан насига
олмагани шу.
Ҳаётга талаблар қўйиш
учун ҳам,
Ошиқлик бағрида қуйиш
учун ҳам,
Сиздан билдим, устоз,
ҳақдорлик керак.
Бу ҳисни кўтара
оларми юрак?
Етармикан бунга менинг
бардошим.
Батзан шу ҳаётда қотди
бошим!

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Ирода йўқ жойда орзу
мажолсиз.
Бундай одам улар охир
ажасиз!
Одам ҳаётига раҳнамо
виждон,
Ҳақгўйлар дилига
Ер-Самовиждон!
(У осмонга қаради)
Юракда турибди ҳали кўп
ларлар,
Осмонга ҳам қўлмас,
кераклир марлар.
Йўлдош СУЛАЙМОН.



Тиш — инсоннинг ризқу наси-
баси. Соғлом тишларни эса врим
соғлиқ деб баҳолайдилар. Бу бе-
худага эмас.

СОҒЛОМ АВЛОД ВА
«ПРОКТЕР ЭНД ГЭМБЛ»

Бир гал врачга борганим-
да, у тишини қандай юви-
шимни сўради.
Мен жавоб бердим.

— Йўқ, бу нотўғри, —
деди врач мулоимлик билан.
— Болаликдан тишини қандай
ювишни ўргатмаслик бизнинг
энг катта вазифамиз. Фақат сиз
эмас, бу ерга ташириб бую-
раётганларнинг 90 фоизи тиш
чўткасини қандай ишлатиш
лозимлигини билмайди...

«Проктер Энд Гэмбл» ком-
панисининг мактаб програм-
масини кузатиб, бир нарсатга
қувондим. Болаларнинг эти-
борини тортаётган бетактор
суратлар яна тишини озола
тутишнинг усулларини кўрсатиб
берилган. Компания ўзбекис-
тонлик ўқувчиларнинг диқ-
қатини яна бир нарсатга —
шахсий гигиенага қатъий
риоя этишга қаратган. Бу
жуда муҳим. Сабаби, ўтган
йили ўқувчилар орасида са-
рик касали тарқалди. Шифо-
корлар касаллигининг айнан
ана шу шахсий гигиенага
риоя этмаслик оқибати экан-
лигини кўп марта таъкидла-
дилар. Ҳатто ўқувчилар би-
рининг остидаги жавоқани
иккинчисига олиб чайнагани
туфайли касалликка чалинган,
деган гаплар ҳам чиқди.

«Проктер Энд Гэмбл»нинг
«Соғлом авлод учун» жам-
ғармаси ҳамда Халқ таълими,
Соғлиқни сақлаш вазирли-
қлари билан тўрт томонлама
ҳамкорлик шартномасини

имзоланишидан мақсад ҳам
фарзандларнинг соғлигини
асраш.

Компания 1998-99 ўқув
йилида республикамиз вило-
ятлари марказларида оғиз ва
тиш гигиенаси бўйича мах-
сус программалар ўтказишни
режалаштирган. Программа
210 минг нафар мактаб ўқув-
чисига мўлжалланган. Бу эса
2-синф ўқувчиларининг 35
фоизини ташкил этади.

Янги ўқув йилида 12
ёшгача бўлган қизларга
усмирлар гигиенасидан сабоқ
бериш режалаштирилган. Бу
Ушбу программада 14 минг
нафар қизга ёки Тошкент
шаҳри мактабларида таълим
олаётган қизларнинг барчаси-
га маълумотлар бериш назар-
да тутилган.

Ушбу программа амалга
ошса, фарзандларимизнинг
саломатлиги янада мустаҳ-
камланишига шубҳа йўқ.

«Проктер Энд Гэмбл» ком-
паняси ушбу программани
амалга ошириш учун яқин 5
йил ичида 2,5 миллион Аме-
рика доллари сарфламоқчи.

«Соғлом авлод учун»
жамғармасида бўлиб ўтган
йилгида ана шулар ҳақида
сўз юритилди.

А. ЖҲҲҲҲҲ
«Халқ сўзи» мухбири.



Тарихда шундай инсонлар ўтганки, уларнинг баъзи-
лари билан бир миллат, айримлари билан бутун дунё
фахр этди. Имом ал-Бухорий каби алоомлар жами-
ки инсоният фахр этакидан маънавият намоёндалари-
дан биридир. Зеро, Имом ал-Бухорий ҳазратлари бут-
ун оқил мусулмонлар бахту тинчлиги, покизалиги, ке-
лажиги учун тинмай меҳнат қилган, савобли йўлда
умрини сарфлаган сиймодир.

УЙҒОНАЁТГАН
САНЪАТ

Бундай улғу эсларга қан-
ча ахтиром кўрсатишга, шун-
ча кам. Шунга таъкидлаш ке-
ракки, республикамизда мус-
тақилликнинг етти йили мо-
байнида миллий қадриятлар-
ни тиклаш, ажлоларимизни
ниг бебаҳо меросини ўрга-
ниш борасида улкан қадам-
лар қўйилди. Шундай савоб
ишлардан бири — Челек ту-
манидаги Хартанг қишлоғида
буюк муҳаддис Имом Мухам-
мад ибн Имом ал-Бухорий
бобомиз таваллудининг 1225
йиллиги муносабати билан
ёлдорлик мажмуи барпо эти-
лаётганлигидир.

Бундай катта мажмуа Ўзе-
кистонда Алишер Навоий но-
мидаги опера ва балет театри
биносидан (1947 йил) кейин
яқин орада амалга ошмаган
эди. Мажмуа бунёдкорлигида
республикамизнинг деярли
ҳамма жойларидан халқ уста-
лари келиб ишламоқдалар.
Халқ амалий безак санъати
ишлари «Уето» республика
мажмуе ижодий ишлаб чиқа-
риш бirlашмасига қарашли
Самарқанд, Андижон, Қўқон,
Наманган, Тошкент, Бухоро,

Хива халқ усталари зиммасига
юкланган. Ўзбекистонда қури-
лаётган ишностларнинг безак
ишларини, наққошлик, ганж-
корлик, кулоллик, ёғоч ўйма-
корлиги, сиркорлик ишларини
шу бирлашма баҳоли қудрат
бажармоқда. Халқ усталари би-
рилари билан ўзаро маслаҳат-
лашиб, тажриба алмашиб меҳ-
нат қилмайтирлар.

Мажмуада, жумладан,
қўқонлик ёғоч ўймакорлиги
халқ устаси Абдулгани Абду-
ллаев ҳам ўзининг гуруҳи бил-
ан меҳнат қилмоқда. Мажмуа
ичидаги айлана айвонда мил-
лий услубда бажарилаётган жа-
мики тахта-ёғоч ишлари шу
халқ устаси бошчилиги қилаёт-
ган гуруҳ зиммасига юкланган.
Улар тахта-ёғочдан ишланган
безакларни бир-бирига қалаш-
тириш, мажмуа томини васса-
жфит билан ёғич, шарафалар
тайёрлаш, ўйма устулар уна-
тиш, муқарраслаб қилиш, ай-
воннинг пастки қисмларига
наиллар яшаш каби гоёта но-
зик таъвизфаларни моҳиро-
на эпламоқдалар. Мажмуада
1000 куб метр шундай ишлар
бажарилиши керак эди. Шу

кунгача лойиҳа бўйича қили-
налган ишларнинг учдан бир
қисминг қилинган. Тахта-ёғоч
хомашёлар Тошкентдаги уста-
хонада тайёрланиб, кейин маж-
муага олиб келтирилиб, жой-
жойига ўрнатилмоқда. Бу ишда
устанинг шоғирдари Имом Д.
Одильов, Э. Қўқоров, Р. Ма-
матқўлов, Д. Жамшидов, Ж.
Абдуллаев, Ж. Исомиддинов,
А. Худойназаров, А. Париев-
лар жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Ал-Бухорий мажмуида ай-
вон учун бири-бирдан гўзал
75 та ўйма усту ва 35 дон-
дан ортққ ўймакор эшик тай-
ёрланмоқда. Ёғоч ўймакорли-
ги ишларида ташқари маж-
муада ганжкорлик, наққошлик,
сиркорлик, кулоллик, қошин-
корлик ишлари ҳам бажарили-
моқдаки, уларга боқсанг,
қўзинг қувонди.

Мажмуада ҳар бир уста ўз
маҳоратини кўрсатиб, дурдона
асарлар яратаяпти, десак мубо-
лага бўлмайди. Бундан бир
ярим аср илгари амалда бўлган
ва кейинчалик йўқолиб кетган
миллий устачилик усулларини
қўқонлик, уларга замонавий
руҳ бағишланмоқда. Масалан,
Абдугани Абдуллаев бошчили-
гидаги гуруҳ ҳовузакларни уй-
ғонлаштириб, уларни янада
кенгайтиришмоқда. Ҳовузак-
лардан шу пайтгача асосан
Қўқон хони Худойберқон сар-
ойининг меҳмон қабул қилиш
хонасининг шифтига 8 дон-
даси ўрнатилган. Ҳовузаклар
қошона чиройига чирой қўшади.
Иккинчидан, уларнинг афзал-
лиги томини шундаки, инчоот
ичидаги иссиқ ҳаво шу ҳову-
заклар ичига йилган ва май-
руза қилаётганларнинг овози-
ни баланлаштириб беради.



Ҳовузаклар фақатгина биз-
нинг миллий санъатимизга
хос бўлиб, бошқа мамлакат-
лар меъморчилигида учрамай-
ди. Улар энг ноёб ишност-
ларда қўлланади. Масалан,
Бухородаги Болхорову мас-
жиди айвониди уч дон-
даси мажмуада ташқари маж-
муада ганжкорлик, наққошлик,
сиркорлик, кулоллик, қошин-
корлик ишлари ҳам бажарили-
моқдаки, уларга боқсанг,
қўзинг қувонди.

«Қудратимиз билмоқчи
бўлсанг, қурилишларимизга
боқ», деган эдилар бобока-
лоқимиз Амир Темур. Дар-
ҳақиқат, келган меҳмон хал-
қнинг куч-қудратини, истеъ-
додини билишда унинг
қурилишига, санъатига, ин-
сонларнинг кийинишига,
ҳаттоки қуднадиқ турмушда
ишлатиладиган буюмларига
ҳам эътибор беради. Шу бо-
исдан давлатимиз раҳбария-
ти қурилишга, халқ ҳунар-
мандлиги, санъати ривожла-
нишига катта эътибор бер-
моқда. Бу эътибор халқ у-
сталарининг кучига-куч, қу-
ватига-қувват қўшмоқда.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
санъатшунос.

АСРЛАР БАҒРИДАГИ
ЖАВОҲИР

Бир неча йил муқаллам
қалъани ҳар томонлама чуқ-
қур ўрганиш, тадқиқ этиш
ҳамда таъмирлаш ишлари
амалга оширилди. Республи-
ка маданият ёлдорликлрини
таъмирлаш илмий-тадқиқот
ва лойиҳалаш институтининг
бир гуруҳ мутахассислари,
муҳандислари қалъанинг асл
қурилиши лойиҳасини яра-
тишди. Тиклаш ишларини
Андижон шаҳридаги мажсуе
илмий таъмирлаш-ишлаб чи-
қариш устанасининг усталари
олиб боришди. Қалъа
биноси тўла таъмирланди.
Ҳозир у Бобур номидаги ви-
лоят адабиёт, санъат музейи-
нинг қўлэмалари сақлаш
ҳамда илмий ўрганиш бўли-
мига айлантирилган.

Мазмуни, ўрта асрда
араб ёзувининг график асо-
лари бир хил бўлишига қара-
май, ҳаттолар ҳарфларга ҳуш
қилиниш, уларни тобора
такомиллаштириш ва гўзал-
лаштиришга интилганлар.
Наҳайда ўрта Осиё халқла-
ри қабул қилган 32 та араб
харфи билан ёзилган хат

шакл жиҳатидан 37 тага етган.
Бора-бора араб ёзувининг юз-
дан ортққ тури вужудга кел-
ган. Улар орасида, айниқса,
сулс, қуфий, муҳаққак, райҳон,
шикаста, рикъо, девоний,
насталық, таъкир, тумор, Жа-
мил каби турлари машҳурдир.

Ҳаттолик санъатини ривож-
лантиришга катта ҳисса
қўшганлардан бири Анди-
жон шаҳрининг шарқий
қисмида жойлашган қўқна

битта китобни (тошбосма)
яратиб бир неча касб эгал-
ларининг маҳоратига боғлиқ
бўлган. Чунотки, қозғорез
(қозғ таъёрловчи), музаҳҳит
(олтин хал берувчи), ҳаттот,
лавваҳ (сарлавҳа ва жадал-
ларни зийнатловчи), рассом
(қўлэмаларга миниатюралар
ишловчи), саҳҳоф (саҳифа-
ловчи)лар иштирок этганлар.
Шулар ҳисобига олганган
ҳолда кутубхона «Ўрта Осиё

Бир вақтлар «Дўппи
қиймай қўйди одамлар»,
дея жар соғанда шоир
нақадар ҳақ эди. Шу кун-
ларда бозор кезсане, Чуст
дўпписини Марғилон
дўппиларининг савдоси а-
жиздалисини кўриб,
қўнглингда бир ажиб гўрур
туясан. Шу сабаб ҳам сиз
суратда кўриб турган
Чуст бадий буюмлар
фабрикаси каштачиси
Сабоҳатхон Раҳимова
каби чеварларнинг қўл-
қалаи тасмалди.

Зеро, бу дўппилар овоз
дўйринишининг ободлиги
йўлида ҳормай-томай
меҳнат қилаётган ҳар бир
йигитнинг азиз бошига
ярашгусидир.

П. АКБАРОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентини депоизи жамоаси депоизи-
нинг масъул ходими М. Тошма-
тоғга синалган
Сабоҳат ТҶИВОНОВАнинг
шифот этганлиги муносабати
билан чўқур тазани ва ҳамдар-
лик изҳор этлади.
Республика «Бақоллик» акши-
онерлик бirlашмаси таъинининг
жамоаси ва маъмурияти Самарқ-
анд «Бақоллик-Универсал» акши-
онерлик жамоати раисининг му-
овини
Фарҳод ЖАЛОЛОВнинг
бевақт вафот этилишини муно-
сабати билан марҳумнинг оила
аъзолари ва яқинларига чўқур таъ-
зин изҳор этлади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»),
А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Мухиддинов (бош муҳаррир
ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари —
«Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий,
И. Худоёров, И. Шогуломов, Ҳ. Хонимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буларига Г — 0249, 27714 нуқсала босилди,
қўшим — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қозғ бичими А-2
Газета ИВМ компьютеризация термини ва оператор
Сергей ЛУКИН
томонидан саҳифаланди.
Тахриратда ҳажми 5 қозғолдан ишлаб материал-
лар қабул қилинмади.

САНЪАТИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбораров,
Навбатчи — Н. Мусомов,
Мусаххух — Ш. Машраббеов.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти — 21.00
Босишга тоширилди: 00.10 1 2 3 4 5 6